

ЙЎЛ ҚОПЛАМАСИ РАВОНЛИГИНИ МОБИЛЬ ИЛОВА ЁРДАМИДА ЎЛЧАШНИНГ
МАВЖУД УСУЛИ

Онгарбаев Ажинияз

Сайдаметова Фазилат Жамоладдиновна

Хусомиддинов Ахрор Сабриддин ўғли

Тошкент давлат транспорт университети

Аннотация: Мавжуд автомобиль йўли қопламаси равонлигини Roadlabpro иловаси ва смартфон ёрдамида ўлчанди ва натижалар мавжуд меъёрлар билан таққосланди ҳамда йўл участкаси равонлиги баҳоланди.

Калит сўзлар: эксплуатация, равонлик, уч метрли рейка, ёриқлар сони, RoadLab pro, қоплама, IRI.

Хозирги кунда Ўзбекистон автомобиль йўллари тармоғи етарли даражада ривожланган бўлиб, янгидан автомобиль йўлларини қуриш ишлари қисқа амалга оширилмоқда. Асосий этибор мавжуд автомобиль йўлларини эксплуатация ва диагностика қилишга қаратилган. Автомобиль йўлларининг асосий транспорт эксплуатацион кўрсаткичларидан бири бу қоплама равонлигидир. Равонлик деб-мавжуд қоплама юзасини автомобиль динамикасига, динамик юкланганликка ва харакат қулайлигига таъсир қиласиган даражада, лойиҳавий юзага нисбатан оғиши тушунилади. Маълумки, қоплама равонлигини баҳолашнинг бир қатор услублари ва фойдаланиш учун ўлчов қурилмалари комплекси мавжуд. Булардан бири акселерометрлар бўлиб, акселерометрлар транспорт воситасининг вертикал тебранма ҳаракатини йўл қопламаси юзасига нисбатан реаксиясини юқори аниқлиқда ўлчаш имкониятига эга. Ёзib олинган вертикал тезланиш қийматлари орқали автомобиль йўллари қопламаси равонлигини баҳолаш мумкин. Акселерометрлар орқали йўл равонлигини баҳолашда, дастлаб йўл қопламаси юзаси равонлиги ШНҚ- 3.06.03-08 га уч метрли универсал рейка орқали ўлчанади. ШНҚ- 3.06.03-08 га мувофиқ автомобиль йўллари қопламаларнинг равонлик меъёрларига баҳо бериш учун қуйидаги жадвал маълумотларидан фойдаланамиз.(1-жадвал)

1-жадвал

Баҳо	Уч метрли рейка ёрдамида ўлчаганда қоплама турлари учун равонлик меъёрлари						
	Такомиллашибилган капитал		Такомиллашибилган енгил			Ўтувчи	
	Ёриқлар сони %		Ёриқлар сони %		нг катта ёриқ мм	Ёриқлар сони %	
	3мм гача	5мм дан катта		4мм Гача	7мм дан катта	6мм Гча	

Аъло	95	1		95	1	9	9 5	
Яхши	90	2		90	2	11	9 0	
Қониқарли	80	5		80	5	14	8 0	

Уч метрлик рейка қоплама юзаси ва рейка орасидаги тирқишиңи үлчашда фойдаланилади. З метрли рейка қопламага йўлнинг автомобил ғилдираклари изи бўйича ўрганилаётган ҳаракат тасмаси йўналишида ҳар пикетда уч марта ётқизилади. Равонликнинг кўрсаткичи рейка билан қоплама оралиғи бўлиб, рейканинг ҳар 0,5 м оралиғида белгиланган бешта нуқтада мавжуд бўлган катталиклари [1].


Автомобил йўлларининг равонлигини баҳолаш мақсадида II-тоифали 4Р177 “Канлықол темир жол станциясы-Шоманай райони-Қарабайлы темир жол станциясы” а/й 43-50 км.лари тадқиқот обьекти сифатида белгилаб олдик. Тадқиқот обьектида коплама равонлигини уч метрли река билан үлчанганд қийматлари 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал


Километр кўрсаткичи	З метрли рейка ёрдамида равонлик меъёрлари			Баҳоланиши	
	Ёриқлар сони % да		Энг катта ёриқлар,мм		
	3 мм.гача	3-5 мм.гача			
43-44 км	88	7	5	7 Қониқарли	
44-45 км	85	11	4	6 Қониқарли	
45-46 км	87	6	7	7 Қониқарли	
46-47 км	88	9	3	6 Қониқарли	
47-48 км	95	3	2	4 Аъло	
48-49 км	85	8	7	6 Қониқарли	
49-50 км	86	10	4	6 Қониқарли	

Қорақалпоғистон Республикаси 4Р177 “Канлықол темир жол станциясы-Шоманай райони-Қарабайлы темир жол станциясы” а/й 43-50 км З метрли рейка ёрдамида үлчов ишлари натижаларига кура мавжуд қопламанинг равонлиги 3 мм гача бўлган ёриқлар сони 87% ни, 3-5 мм.гача бўлган ёриқлар сони 8 %, 5 мм.дан катта ёриқлар сони эса 5%, энг катта ёриқлар сони 7 мм.ни ташкил этди. Тадқиқод обьектимда қоплама равонлигини Халқаро равонлик индекси IRI бўйича баҳолаш мақсадида энг замонавий дастурларидан бири бўлган “Road lab pro” дастури ёрдамида йўлларнинг равонлигини смартфонлардаги акселерометр ва GPS

сенсорлари асосида ўлчанди. Қурилмани ўрнатиш ва қоплама равонлигини ўлчаш жараёнлари (2- расм) да келтирилган.



1-расм. Қорақалпоғистон Республикаси 4Р177 “Канлыкол темир жол станциясы-Шоманай районы-Қарабайлы темир жол станциясы” а/й 43-50 кмларни “Road lab pro” дастури ёрдамида ўлчанган равонлик графиги.





2- расм. Қурилмани ўрнатиш ва қоплама равонлигини ўлчаш жараёнлари

ИКН 05-2011 “Йўлларнинг ҳолатини диагностика қилиш ва баҳолаш қоидалари”га асосан Чегаравий рухсат этилган бўйлама равонлик кўрсаткичи IRI II

JOURNAL OF INNOVATIONS IN SCIENTIFIC AND EDUCATIONAL RESEARCH
VOLUME-1, ISSUE-12 (30-September)

тоифали йўл учун 3.5 m/km деб белгиланган, қуйидаги жадвалда ушбу нормативга асосланиб, 3 метрли рейка ва “Road lab pro” мобиъл иловасида олинган натижалар таққосланган.

3-жадвал

Ўлчаш жойи км	3 метрли рейканинг натижаси, %	IRI	Изоҳ
43	88	4,38	Қониқарли
44	85	4,77	Қониқарли
45	87	4,23	Қониқарли
46	88	4,74	Қониқарли
47	95	2,8	Яхши
48	85	5,09	Қониқарли
49	86	4,32	Қониқарли

Олиб борилган тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатдики, Қорақалпоғистон Республикаси 4Р177- “Канлыкол темир жол станциясы-Шоманай райони-Қарабайлы темир жол станциясы” а/й 43-50 кмларни “Road lab pro” дастурида ва 3 метрли рейка ёрдамида ўлчов ишлари натижаларига кура мавжуд қопламанинг равонлиги қониқарли ҳолатда эканлиги аниқланди.

АДАБИЁТЛАР:

1. ШНҚ- 3.06.03-08 "Автомобиль йўллари". Тошкент 2008 й.
2. ИКН 05-2011 “Йўлларнинг ҳолатини диагностика қилиш ва баҳолаш қоидалари” Тошкент 2011 й.
3. Сайдаметова Ф.Ж., Мухтарова М.Х. “Предотвращение колеобразования на асфальтобетонных дорогах”. Scientific Impulse 1 (2), 14-18.
4. Beketov A.K, Saydametova F.J, Ergashova M.Z, Khalimova S.R “Foreign experience in urban streets management system”. Academic research in educational sciences 3 (TSTU Conference 1), 891-896.
5. Saydametova F.J, Beketov A.K, Khalimova Sh.R., Yunusov A.G.”The Development of the Network of Urban Roads and Streets (on the Example of the City of Urgench)” Acta of Turin Polytechnic University in Tashkent 12 (1), 55-61
6. <https://usermanual.wiki/Document/RoadLabProBriefAppManual.2057006793/html>